

QILA DAVTRASIDA

№ 6 (352)
2019 - yil
14-fevral
payshanba

www.od.press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

2-бет



**ХАЛҚ
ҚАБУЛХОНАЛАРИ**
муаммоларни
уйма-уй ўрганади



ЭКРАНДАГИ БЕҲАЁЛИК

Тўсиқ – муаммога ечим
бўла оладими?

3-бет

Меҳнат стажи
сотилади...ми?

Пенсия ёши
узайтирилиши
билан боғлиқ турли
миш-мишларни
масъул қандай
изоҳлади?

4-бет

Автомобиль қачон
хавфсиз бўлади?

Юртимизда газ-
баллонли машиналарни
техник кўриқдан
ўтказувчи
лабораториялар
очилади.

6-бет

Воз кечиш
вақти келмадими?

Пластик пакетлар
нега пулли бўлди?
Унинг арзон ва
зарарсиз муқобили
бўладими?
Мутахассис изоҳи.

6-бет

Бу китоб –
ахлоқ хазинаси

Унинг асосий ғояси
ўз-ўзимизни,
кўнглимизни
идора қила
билмоғимизга
ундашдир.

7-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

«Уйингиз бузиляпти экан... Нима муаммо?»

Заркайнар 7-берк кўчаси 4-А уйда истиқомат қилаётган Дилмурод Мансуров муаммоси ҳал бўлмаётган кишилардан. Унинг айтишича, бир йилдан буён ногиронлик нафақасига чиқиш илинжида бормаган жойи, ялинмаган одами қолмаган. Туман марказий шифохонаси ходимлари унинг аҳволи кундек равшан бўлиб турса-да, уни ногиронлик нафақасига чиқаришни пайсалга солмоқда. Халқ қабулхонасининг бевосита аралашуви ва кўмаги билан бу фуқаронинг ҳам мурожаати ижобий ҳал этиладиган бўлди.



Манба: makem.uz
Мансуровнинг суяри

«Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир». Президентимизнинг одамлар қалбидан чуқур жой олган бу сўзлари бугун мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ўзгариш ва ислохотларни ҳаракатлантирувчи қудратли кучга, таъбир жоиз бўлса, уларнинг ғоявий ўзагига айланган.

Халқимизнинг ҳаётий талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларимизни рози қилиш йўлидаги залворли ишлар айнан ана шундай эзгу ва ҳаётбахш ғоялар асосида олиб борилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг, одамларнинг давлатдан, олиб борилаётган кенг ислохотлардан рози бўлиб яшашига омил бўлмоқда.

Айниқса, кундан-кунга давлат идораларининг халққа янада яқинроқ бўлиши учун, уларнинг дарду ташвишларини жойида ҳал этиш йўлида янгидан-янги қарор ва фармонлар қабул қилинаётган. Хусусан, «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган Президент Фармони билан давлат идоралари раҳбарларига жуда катта масъулият юкланди.

Фармон билан Халқ қабулхоналарига қўшимча ҳуқуқ ва вазифалар берилди. Унга қўра,

2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналари муаммоларни уйма-уй юриб ўрғанади. Аниқланган муаммолар ҳудудлар маҳаллалар ва хонадонлар кесимида таҳлил қилинади. Уларни бартараф этиш юзасидан қисқа (1 йиллик)

ва ўрта муддатли тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Ушбу режаларнинг ижроси Президент Администрацияси томонидан бевосита назорат қилинади.

Тошкент шаҳар, Олмасор тумани Халқ қабулхонаси ҳам фармон ижросини таъминлашга алақачон киришиб кетган. Айни пайтда Халқ қабулхонаси Олмасор тумани, Ҳасти Имом маҳалласидаги вазият билан танишмоқда.

— Маҳалламизда 8 минг 179 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Ҳасти Имом» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Давронбек РАҲМАТУЛЛАЕВ. — Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан Ҳасти Имом маҳалласида улкан бунёдкорлик — Ислоҳ цивилизация маркази қурилаётганидан аксариятнинг хабари бор, албатта. Қурилиш бошлангунга қадар маҳаллада 688 та хонадон бор эди. Шундан 155 таси бузилди. Уйдан ажралганларга давлат томонидан бошқа жойдан уйлар куриб берилмоқда. Улар битгунга қадар яшаб туриши учун ҳар бир хонадонга ўн бир ярим миллион сўм атрофида компенсация тўлаб берилди. Айни пайтда 533 та хонадон қолди. Майгача бузилишлар тўхтатиб турилибди. Шунга қарамай, тахминан юзга яқин хонадон бузилиши мумкин.

Маҳалла оксоқолиннинг айтишича, ҳудудда ўртаҳол оилалар бор, лекин кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар йўқ. Аҳолининг асосий муаммоси уй-жой етишмовчилиги экан. Битта хонадонда йигирма киши, тўрт-беш ака-ука сиқилиб яшашига тўғри келмоқда.

Халқ қабулхонаси, маҳалла фаоллари билан бирга хонадонма-хонадон юрар эканмиз, бу гапларнинг нечоғли ҳақиқат эканини англадик. Аҳоли билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг мазкур ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан рози эканининг гувоҳи бўлдик.

— Ҳасти Имом маҳалласида олтмиш йилдан бери яшайман, — дейди биз билан суҳбатда кўринишидан анча ёш, лекин саксонни қоралаган онахон. — Бундай хайрли ишлар амалга оширилаётганини бажонидил қўллаб-қувватлаймиз.

Гарчи уйларимиз бузилишга тушган, аҳолимиз яқин ойлarda бошқа ҳудудларга кўчирилиши аниқ бўлган жойда омонат яшайтган биз каби фуқароларнинг турмуш шароитини ўрганиб юрган мутасаддиларга ташаккур.

Албатта, бундай хайрли ишларнинг бурчасининг бошида давлат раҳбари турибди. Менинг ягона ўтинчим шу жойларга боғлиқ қолганман. Ота-боболарим, қариндош-уруғларимнинг бари шу ерлик. Шу боис бизга бериладиган уй-жойлар шу яқин атрофдан берилса, нур устига нур бўлар эди. Ҳарқалай, бир умр яшаган жойингдан бошқа жойга кўниқиб биз каби кексаларга бироз оғирлик қилади.

Онахоннинг гапларида жон бор, албатта. Ҳарқалай, бир жойда шунча йил аҳил-иноқликда, яқинлар даврасида яшаган одамнинг бошқа жойда кўним топиб кетиши бироз мушкул. Онахоннинг ёшига нисбатан анча ёш кўриниши асосий сабаби ҳам айнан аҳил-иноқ, тинч-тотув ҳаёт кечиришидандир балки.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган тамойил ҳаётимизга татбиқ қилинганча, кўп соҳаларда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу, айниқса, оддий халқнинг ҳаётида ўз аксини топаётгани қувонарли хол. Ахир, ҳозирги ислохотларнинг бари инсон омили учун амалга ошириляпти. Зеро, «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак».

Гулжон МИРАҲМЕДОВ,
«Оила даврасида»,
мухбири

Бунёдкорлик

«BUSINESS CITY»

лойиҳаларининг тақдироти

Пойтахтда янги «Business city» лойиҳалари Мирзо Улугбек ва Юнусобод туманларида амалга оширилиши кўзда тутилган.

«Mirzo Ulugbek Business city» лойиҳаси Амир Темур майдонидан Мустақиллик ва Мирзо Улугбек кўчалари бўйлаб 6,5 километр масофада, «Yunusobod Business city» лойиҳаси Янги шаҳар ва Чинобод кўчалари кесинмасида жойлаштириш қайд этилди.



«Yunusobod Business city» маркази 4 та лотдан иборат. 41 гектар майдонда қурилиши кутилаётган марказнинг биринчи лотида 9,12,15 каватли 3 ва 4 юлдузли меҳмонхона бунёд этилади. Иккинчи лот ҳудудида мактаб ва боғча ҳамда 1388 ўринли автотурагоҳ барпо этиш кўзда тутилган. Майдони 1,4 гектар бўлган учинчи лотда офис ва меҳмонхоналар, 12 ва 15 каватли бинолар қурилади. 18,2 гектарли тўртинчи лотда эса катта боғ, кичик дўкон ва ресторанлар қуриш режалаштирилган.

Таълим

Тошкентда яна бир ОТМ филиали очилди

«Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлигининг Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети) Федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди. Бу ҳақда Адлия вазирлигининг «Хуқуқий ахборот» канали хабар берди.

Филиалда қуйидаги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланади:

- бизнес-информатика (бакалавр);
- ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш ва прогнозлаштириш (магистр);
- халқаро хусусий, фуқаролик ҳуқуқи ва арбитраж (магистр);
- халқаро савдо ва молия ҳуқуқи (магистр);
- халқаро ташкилотлар учун синхрон таржимонлар тайёрлаш ва маданиятлараро коммуникация (магистр).

Филиал Ўзбекистон ва Россия қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ бош муассасанинг алоҳида таркибий бўлими хисобланади.

Филиалда ўқув жараёни бакалаврият дастурлари бўйича тўрт йиллик ва магистратура дастурлари бўйича икки йиллик таълимни кўзда тутган бўлиб, асосан, кундузги шаклда амалга оширилади.

Филиал битирувчиларига Ўзбекистонда олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинadиган бош муассасанинг белгиланган намунадаги дипломи берилади. Унда таълим Россия Федерацияси федерал таълим стандартларига мувофиқ бош муассаса томонидан тасдиқланадиган ўқув режа ва таълим дастурлари асосида рус ва инглиз тилларида олиб борилади.

Ҳуқуқ

Коррупция божхонадан ўтмайди

Коррупция — ҳар қандай давлатнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, конституциявий асослари ва қонуний устуворини заифлаштиради. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини поймол бўлишига олиб келади. Бугун республикамизда бу иллатга қарши кескин курашишга киришилган. Пора олишга муккасидан кетган амалдорлар, пора бериш, олишда воситачилик қилаётганлар ҳам тегишли жазосини олмоқда.

Тошкент шаҳар прокуратураси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар божхона бошқармасида «Коррупция — тараккиёт кушандаси: унга қарши курашишда кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш авлоднинг фаол иштироки зарурдир» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

— Ҳар бир соҳада коррупцияни таг-томири билан йўқотиш, аҳолининг қонунларга ҳурмат ҳиссини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишда бундай салбий иллатларга қарши кураш муҳим вазифалардан бири, — дейди Тошкент шаҳар божхона бошқармаси бошлиғи Ботир ДАДАМАТОВ. — Шунингдек, бу соҳада фаолият олиб бораётган ёшлар коррупцияга қўл урмасдан, ўз касбига садоқатли бўлиши, Ватан ҳимояси учун ичган қасамини доим ёдда тутиши лозим.

Бугунги кунда божхона соҳасида коррупцияга қарши курашда нафақат соҳа ходимлари, балки уларнинг онла аъзолари, кенг жамоатчиликнинг иштироки ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бегзод НАСИМБОВ

Санъат қорабозорга айланмаслиги керак

Доим бироз хордиқ чиқариш мақсадида телевизор ёқар эканман, ичимдан қандайдир иккиланиш ўтади. Ҳозир қайси телеканалда қайси хориж сериали кетаётган экан, қай бирида кимнинг клипи намойиш этиляпти, деган ҳадик билан бошқарув пультаини қўлимга оламан. Бу изтироб бекорга қалбимни тирнамайди. Эфирга узатилаётган беҳаё саҳналар, миллий маънавиятимизга зид кўринишлар фарзандларим онгига салбий таъсир кўрсатишидан жуда ҳайиқаман.

Инсоннинг етук шахс бўлиб камолга етишига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Илму маърифат, адабиёт ва санъат ҳаётга қарашларимизни шакллантириб, чуқурроқ ўйлашга, пухтароқ мулоҳаза қилишга чорлайди. Бу соҳаларни тўғри англаб, таҳлил қила олган киши ўзи учун янгидан-янги сирларни кашф қилиб бораверади. Умрини мазмунли ўтказди. Аммо масаланинг яна бир жиҳати борки, уни эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Яъни, инсонларнинг маънавий оламиини бойитиш учун яратилаётган янги санъат намуналари ҳақиқатан ҳам шу вазибаларни бажара олаётими?

Бугун халқни ўз ортидан эргаштиришда санъаткорларнинг олдига тушадигани йўқ. Улар ижро этган кўшиқ, ўзини тутиши, хатто кийиниши ҳам ёшларга жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Шундай экан, бу борада жиловни бироз қўлга олиш, санъатнинг нони қаттиқ бўлишини уларнинг ёдига солиб қўйиш вақти келмадимикан?

«Жигар» жигардек бўлсин

Шу мақсадда 2017 йил 15 февралдан бошлаб «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Муассаса директори Одил Абдуқаҳҳоровнинг таъбири билан айтганда, у санъатнинг жигари вазифини ўтаб, турли ёт гоёлар, «оммавий маданият» белгиларидан тозалаш масъулиятини ўз зиммасига олган. Ҳақиқатан ҳам шундайми? Демак, бугунги санъатимизга, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, кўшиқчилик ва концерт дастурларига ҳеч қандай эътироз йўқ эканми? Нақадар яхши, хоҳлаган вақтимизда телевизорни қўйиб, фарзандларимиз билан бирга маъно-мазмунга тўла клипларни роҳат билан томоша қилсак. Ёки концерт дастурларида ёдимиздан ҳам чиқариб юборган миллий кадрларимизнинг қайсидир шингилдан баҳра оласк. Қизиқ, ўзи шундай дастурлар борми? Оғзини кўпиртириб мактангудек клипларимизни санасак, бармоқларимиз ортиб қоляпти-ку. Айниқса, хусусий телеканаллар орқали намойиш этилаётган ўзбек ва хориж «санъаткор»ларининг эҳтиросга тўла кўшиқлари билан фарзандларимизга нимани ўр-


гатмоқчимиз? Йўқ, бу турдаги ижроларни санъат деб аташга тил бормайди. Энг тўғри таъриф бу — бизнес. Уларнинг кўпчилиги ўз номини элга бироз танитиб, кейин отарчилик билан пул топиш илинжида. Энг ачинарлиси ҳам инсон шон-шухрат ва моддий бойлик тўплаш ортидан қувиб бораётгани. Шундай пайтда «Ўзбекконцерт» бу муаммога қандай ёндашмоқда? Бизни ҳавотирга солаётган клиплар, кўшиқлар уларнинг элагидан қандай қилиб ўтиб кетаётгани жуда қизиқ...

Ошни курмак бузмасин

...Минг ҳадик билан телевизорни ёқдим. Фарзандларим ҳам ёнимга келиб ўтирди. Бир яхши кўшиқ эшитиш илинжи билан каналларни кўздан кечира бошладим. Тароналарнинг кўп қисмида севги-муҳаббат тараннуми. Йигит ва кизнинг бир-бирига эҳтиросли қарашлари. Очик-сочик кийинган актрисаларнинг ноўрин ҳаракатлари. Наҳотки, санъатни шу йўл билан тарғиб этишгача етиб келдик?.. Айниқса, хусусий телеканалларда намойиш этилаётган клиплардан маъно кидириб қарайди киши. Шу кунларда жуда кўп эфирга узатилаётган хорижий санъаткорларнинг ГАРБ менталитетига суғорилган кўшиқлари билан халқимизга нима бермоқчи бўляпмиз? «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг бу масалага ёндашуви билан қизиққанимизда, хусусий телеканалларга фақат тавсия бериш макомига эга эканини айтишдан нарига ўтмади. Жуда қизиқ ҳолат. Халқ учун ош дамласагу, курмагини теришга ҳаддимиз сизгмаса.

Буни қандай изохлаш мумкин? Ҳаттоки, давлат томонидан тузилган махсус муассаса қошида фаолият юритаётган эксперт комиссиясининг ҳомийлик асосида ўтадиган концертларга аралашши ҳуқуқининг йўқлиги ишнинг фақат бир томонлама олиб борилаётганидан дарак эмасми? Ҳаттоки, хонандага саҳнада ноўрин хатти-ҳаракат қилгани учун бирор чора кўришга ваколатнинг йўқлигини нима билан изохлаш мумкин?

— Шу кунга қадар клиплар буйича жуда кўп эътирозлар бўлган. — дейди «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси директори Одил АБДУҚАҲ-ХОРОВ. — Буни бартараф этиш мақсадида 2018 йил 1



Агар тегишли муассасалар санъат намуналарини саралаб бера олмаётган экан, улардан ўзимиз танлаб баҳраманд бўлишдан бошқа чорамиз йўқ...

февралдан бошлаб кўшиқлар ва уларга ишланган бадиий клиплар ижодий кенгаши фаолият юрита бошлади. Жамоатчилик фикридан келиб чиқиб шунга мажбур бўлдик.

Жаҳонгир Отажоновнинг «Қадои баланд» клипини оила даврасида кўриб бўлмайдиган айрим саҳналарини тўғрилаш учун бир мартаба қайтарилди.

Мана, яқинда Шаҳло Аҳмедованинг лицензияси ҳам тугатилди. Шу кунга қадар бир неча марта мурोजаат қилсанда, қайтариб берилмади. Айрим хонандаларнинг лицензиялари айбига иқдор бўлгандан кейин босқичма-босқич қайтариб берилди. Бу борада таққири кучайтириши билан «оммавий маданият»ни тарғиб қиладиганларга йўл очиб берган бўла-миз. Кейинги авлодга санъатимизни еткази олаемиз.

Эътибор марказида

Санъат жуда катта куч. Таъсир кўрсатиш нуқтани назаридан унинг имкониятлари сизёсат ва илмдан анча юқори. Шунинг учун ҳам қайсидир санъаткорнинг охириги концерт дастури, қайсидир кўшиқчининг сўнгги таронаси анчагача муҳокама-ларга сабаб бўлади. Кўпчиликнинг эътибор марказида туради. Бу ҳолат ўз-ўзидан инсонлар дунёқарашига, фикрлаши ва ўй-хаёлларига таъсир кўрсатмай

қолмайди. Мисол тариқасида, «Браво» жамоасининг концерт дастурини олайлик. Ҳаваскорларнинг беҳаё хатти-ҳаракатлари, ортига андишасизлик яширинган гап-сўзларини эшитмаган, кўрмаганлар қолмади, назаримизда. «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси уларнинг бу дастурига қайси нуқтага назар билан руҳсат берган?..

— *«Браво» жамоасини бугунги кунда кўпчилик танқид қиляпти, — дейди Одил Абдуқаҳҳоров. — Уларнинг концертида ҳақиқатан ҳам оила даврасида кўриб бўлмайдиган гаплар айтилган. Бизга топширган сценарийда бу қисмлар йўқ эди. Маънавият маркази билан ҳамкорликдаги кенгаши вакилларимиз концерт дастурини кўранда, айрим саҳналарга эътироз билдириб, олиб ташлашган. Концертининг биринчи кунидан кейин жамоа бу қилиги учун расман огоҳлантирилган. Қолган кунлари ноўрин саҳналар ишлатилмаган бўлса ҳам биринчи кунги дастур дисклари тарқатиб кетди. Биз навбатдаги кенгаши йигилишида «Браво»нинг лицензиясини тугатиши ёки давом эттириши масаласини кўрмоқчимиз. Кенгаши февраль ойининг охирида бўлиб ўтади.*

Кези келганда ишни айтиши керакки, энг зўр эстрада хонандаси, халқ артистлари ҳам билетларини сотиши учун қайсидир таққилотарга беришга мажбур бўлади. Лекин «Миллион», «Браво» ва «Дизайн» каби зурўларнинг бирорта ҳам билети қолмайди. Биз улардан яхши мақсадларда фойдаланишимиз керак. Улар ҳеч қандай ёмон иллатлар учун тарғиб қилмаяпти. Ёиллар уларга эргашаётган экан, ижтимоий масалаларни ҳал қилишда ҳам фойдаланишимиз керак.

Жонли ижрога қачон тайёр бўламиз?

Агар чуқурроқ мулоҳаза юритадиган бўлсак, кўриниб турибдики, ўзида салоҳиятнинг учқунини сезган ёки чўнтаги қаппайиб, қаерга сарф-харажат қилишни билмаётганларнинг кўпчилиги ўзини санъатга уришга, омадини синаб

кўришга ҳаракат қилмоқда. Модомики, «Ўзбекконцерт» давлат муассасаси ваколатлари чегараланган экан, кўшиқчиларимизга инсоф сўрашдан бошқа имконимиз қолмапти. Шундай шароитда уларнинг орасидан ҳақиқий истеъдод эгаларини танлаб олишнинг қандайдир тизими мавжудми?


Эътибор берган бўлсангиз, Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган байрам дастури жонли ижрода бўлиб ўтди. Бундан буён барча давлат тадбирлари жонли ижрода ўтказилиши белгилаб қўйилди. Қолаверса, жорий йилдан бошлаб барча яққохон концертларда кўшиқчиларни мажбурий 30 фоизини жонли ижро этиши талаби қўйилмоқда. Бу талабни босқичма-босқич уч йил ичида 100 фоизга кўтариш талби қўйилди. Қолаверса, жонли ижрода тадбирларга тан беришга, ўз-ўзидан тақдирга тавб бермаса, мажбур бўлади.

Маълум бўлишича, давлат тадбирларига тайёргарлик кўриш даврида республикада хизмат кўрсатган артистлар ҳам жонли ижро талабини эшитиб, иштирок этишдан бош тортишибди. Янги лойиҳадан қалбимизда галвир аста сувдан кўтарилганда санъатнинг ҳақиқий фидойиларини кўриш умиди уйғонмоқда. Фақатгина бу масалага ҳам таниш-билишчилик, кимнидир қўллаб юбориш каби иллатлар аралашмасгина, халқ чин истеъдод эгаларини, албатта, топади.

...Бироз хордиқ чиқариш умидим ҳам пучга чиқди. Телевизор экранига тикилиб ўтирган фарзандларимнинг намойиш этилаётган кўпгина кўшиқлар матнидаги маъно-мантисиз сўзларни тинглашгани, клиплардаги беҳаё саҳналарни кўришгани истамадим. Бугун ўғил-кизининг камолга умид боғлаётган ота-она борки, уларни бундай хавф-хатардан асрашга ҳаракат қилади. Ҳаёлимга телевизордан бутунлай воз кечиш фикри келди. Агар тегишли муассасалар биз учун фойдали санъат намуналарини саралаб бера олмаётган экан, улардан ўзимиз саралаб баҳраманд бўлишдан бошқа чорамиз қолмаганга ўхшайди...

Шахноза ШОЖАЛИЛОВА

Меҳнат стажини сотиб олинади...ми?



Пенсия таъминоти тизими ҳақида гап кетганда, бугунги кунда энг кўп муҳокама қилинаётган мавзу — пенсия ёшининг узайтирилиши билан боғлиқ мунозаралар, фаразлар... Хўш, нафақага чиқиш ёши ҳақиқатдан ҳам ошадими? Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижро этувчи директори Ёрқин ТУРСУНОВ шу ва бошқа саволларга атрофлича жавоб берди.

Якка тартибда ишловчиларни ўйлаб...

— Норасмий секторда фаолият юритадиган, ўзини ўзи банд қилган фуқароларимиз кўп. Бундай тоифадаги кишилар пенсия жамғармасига суғурта бадални тўласа, у меҳнат стажига киритилиши белгиланган. Айни пайтда бу борада бирор натижа борми?

— Ҳақиқатан ҳам олдимизда турган асосий вазифалардан бири бундай кишиларни пенсия жамғармасига бадал тўлаб, стажга эга бўлишини таъминлашдир. Негаки, бугунги кунда республикамизда 14,5 миллион меҳнатла ёқатли аҳолининг фақат 5 миллиони расмий тарзда ишлаб, жамғармага ўзининг улушини кўшмоқда. Қолган 9,5 миллионига ҳам келажакда пенсия олиш имкониятини яратиб бериш керак.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 26 апрелдаги қарорига асосан, 2018 йил 1 июлдан бошлаб, деҳқон хўжалиги ва 4 сотихдан кам бўлмаган томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу участкада қорамол ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришдаётган жисмоний шахслар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорини суғурта бадални тўласа, суғурта бадални тўланган йил меҳнат стажига киритилади.

Юртбошимизнинг 2018 йил 7 июлдаги яна бир қарорига мувофиқ эса, 2018 йил 1 августдан бошлаб хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларимиз жамғармаимизга энг кам иш ҳақининг 4,5 (тўрт ярим) баравари миқдорини йиллик суғурта тўловларини ихтиёрий равишда тўлаш тартиби жорий этилди. Ушбу тўловлар амалга оширилган даврлар белгиланган тартибда давлат пенсияларини тайинлаш учун меҳнат стажига қўшилади.

Бугунги кунда қорамол боқётган 3387 нафар фуқаро мана шу тўловни амалга ошириб, стажга эга бўлди. Улар жамғармага 2018 йилда 3 миллиард сўм қўшди. Деҳқон хўжалиқларидан 452 нафари мана шу имкониятдан фойдаланди. Томорқа эгаларидан 2191 нафари 2 миллиард сўм тўлади. Чет элдаги меҳнат муҳожирилариимизга келса, бугун улар сони 2,5 миллиондан ортди. Шундан ҳозирча атиги 556 нафари 600 миллион сўм атрофида ягона ижтимоий тўловни амалга оширган.

Боқимандаликсиз тизим

— Президентимиз 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида пенсия ва нафақаларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, ушбу тизимни тубдан ислох қилиш зарурлиги таъкидланган эди. Шу муносабат билан, бугунгача нима ишлар қилинди?

— Дарҳақиқат, Президентимизнинг Мурожаатномасидан келиб чиқиб, 2019 йил 1 октябрда қарор «Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимини ислох қилиш» Концепциясини ишлаб чиқишимиз керак. Энди ушбу ҳужжат қандай бўлади, деган савол туғилиши табиий. Концепция энг муҳими, адолатли, одамларда боқимандалик қайфиятини келтириб чиқармайдиган, уларни кўпроқ ишлаб катта миқдордаги пенсия олишга ундайдиган тизим бўлади.

Концепция доирасида 1993 йилда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонун ҳам қайта кўриб чиқилади. Балки у бутунлай янги тахрирда бўлиши ҳам мумкин. Тўғридан-тўғри амал қиладиган нормалар киритилади. Унинг моддалари кетидан бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш зарурати қолмайди. Қонуности ҳужжатлар сони минимумга келтирилади. Шунда у хар хил талқинлар бўлмайди, бир-бирига зид ҳолатлар учрамайди.

Айни пайтда Концепциянинг дастлабки варианты тайёр. У аввал келишиш учун вазирлик-идораларга юборилади. Сўнг ҳужжат умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Аҳоли қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим деб топса, бу ҳам албатта, инobatта олинади.

Хайр, «трудоной»!

— Пенсия тизимида одамларга фойдаси тегадиган яна қандай янгилıklar қутулмоқда?

— Энг асосийлари ҳақида гапирсам. Биринчидан, пенсия ва ижтимоий нафақаларни Давлат хизматлари маркази орқали тайинлаш давлат хизматини йўлга қўйиш. Бунинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжати Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда шу йил 1 июлгача ишлаб чиқилади. Бундан ташқари, меҳнат дафтаридадан воз кечиш, ўрнига ID карта жорий этиш масаласи кун тартибда турибди.

Шу билан бирга, пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлиmlари томонидан гувоҳнома бериш механизмининг бекор қилиш қўзда тутилган. Бу ортқиқа қозғозликнинг олдини олади.

Ва ниҳоят, архив билан электрон маълумот алмашишни йўлга қўйиш. Бугунги кундаги энг қатта муаммо шу. Уйлашимча, бу масала бир-икки йилда ҳал бўлади. Шундан кейин фуқароларимизда «справка» учун югур-югур бўлмайди. Фақат ариза беради, ҳужжатларни тутқази, тамом.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ
«Оила даврасида» мухбири

«Стаж қисқармоқда, пенсия олиш эса...»

— Бу ҳақда ҳали ҳеч қандай қарор қабул қилинган йўқ, — дейди Ё.Турсунов. Биринчидан, ҳозир жаҳон таърибасини ўрганишимиз. Аслида бутун дунё бу тизимни ўзгартирган. Энг паст ёш бизда. Эракларда 60, аёлларда 55 ёш. Иккинчидан, солидар пенсия тизими деган тушунча бор. Яъни, бугун ишлаб турган фуқароларнинг тўлаётган бадални ҳисобига ҳозирги пенсионерлар пенсияси тўланади. Келажакда ҳам худди шундай: кейинги авлоднинг бадални эвазига сизу биз пенсия оламиз. Ҳозир хар хил вариантлар кўрилмоқда. Айтайлик, пенсия ёшини кўшни давлатларга ўхшаб мос равишда 63 ва 58 ёш этиб белгилаш ёки бошқача тартиб жорий этилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу пухта ва чуқур ўйланади. Бугун қабул қилинадиган қарор эртага пенсия тизими га қандай таъсир кўрсатади, энг муҳими шу.

Дейлик, амалдаги ёш қолди. Прогнозларга қараганда, 2050 йилга бориб аҳолининг ўртача умр кўриши 80 ёшдан ошади. Балки бунга 2040 йилда эришилади. Бирок кейинги пайтларда нафақага чиқаётган фуқароларимизнинг иш стажини йилдан-йилга камайиб бормоқда. Масалан, 2011 йилда тайинланган пенсияларда ўртача стаж 26,8 йил бўлса, 2014 йилда 21,6 га тушди. 2018 йилда эса 21 йилни ташкил этди.

Ўтган йили бу кўрсаткич эракларда 24,4 йил, аёлларда 18,2 йилни кўрсатди. 2018 йилда 330,5 минг нафар фуқарога пенсия ва ижтимоий нафақа тайинланган бўлиб, 226 минг нафари бевосита ёшга доир пенсия хисасига тўғри келади. Шулардан 68 фоизи тўлиқсиз иш стажини билан тайинланган пенсиядир.

Кўриб турганингиздек, ҳозирги стаж қонунчилиқда бел-

гиланган талабдан кам. Албатта, бунинг ўзига яраша объектив ва субъектив сабаблари бор. Одамлар пенсияга чиққандан кейин эса пенсия олиш даври кўпайиб бормоқда. Айниқса, аёлларда бу кўрсаткич 21 йил. Бу яхши албатта. Аҳолининг турмуш фаровонлиги, умр кўриш даражаси ошмоқда. Шундай бўлиши ҳам керак.

Бирок фуқаронинг пенсиягача бўлган иш стажини камайиб кетаверса ёки нафақага чиққандан кейинги пенсия олиш даври узайиб бораверса, маълум йилларга бориб пенсия жамғармасининг даромадлари харажатларни умуман қопламай қолади. Шу маънода мақсадимиз — пенсия ёшини ошириб, харажатни камайитириш эмас, балки одамларни кўпроқ ишлашга қизиқтириб, пенсия жамғармаси барқарорлигига хисса қўшишини таъминлашдан иборат.

Кўпроқ ишлаб, эртароқ чиқинг

— Шундай экан, жамғармада айни пайтда бирор таклиф борми?

— Пенсия ёшини тўғридан-тўғри ошириб қўймасдан, уни фуқаронинг иш стажига боғлаш масаласи ўрганилмоқда. Дейлик, эрак киши 35 йил ишлаган бўлса, унга 59 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқини бериш қўзда тутилган. Агар 30 йил меҳнат қилган тақдирда 60 ёшда, 25 йил стаж учун 61 ёшда, 20 йил учун 62 ёшда, 15 йил учун 63 ёшда, 10 йил учун 64 ёшда ва умуман стаж бўлмаса, 65 ёш этиб белгиланган. Хуллас, қанча кўп ишлаган бўлса, шунча эрта пенсияга чиқиш имкони берилади.

Энди аёлларга тўғталсак. Агар 25 йил ишлаган бўлса, 54 ёшда, 20 йил стаж учун ҳозиргидек 55 ёшда, 15 йиллик меҳнати учун 56 ёшда, 13 йил учун 57 ёш, 10 йил фаолият учун эса 58 ёш. Умуман ишламаган бўлса, 60 ёш.

Меҳнат стажига нисбатан пенсияга чиқиш ёши

(лойиҳа эраклар учун):

35 йил — 59 ёш;

30 йил — 60 ёш;

25 йил — 61 ёш;

20 йил — 62 ёш;

15 йил — 63 ёш;

10 йил — 64 ёш;

умуман стаж

бўлмаса — 65 ёш.

— Шу ўринда савол туғилади. Юқорида келтирган мисолда эрак кишининг иш стажини 32 йилни ташкил этса, у холда нима бўлади?

— Тўғри. ўртада уч йил етмай қолади. Аммо фуқаро 59 ёшда пенсияга чиқмоқчи. Бундай ҳолатда унга қолган муддат учун бадал тўлаб, стажини сотиб олиш имконини тақдим этмоқчимиз. Назаримда, бу адолатли. Аммо одамлар умуман ишламасдан стажни қўлга киритиш учун қизиқиб кетмаслиги учун фақат 5 йилдан ортқи бўлмаган муддатни сотиб олишга рухсат берилади.

Алоҳида таъкидлаيمان, бу шунчаки таклиф. Унинг тақдири муҳокама жараёнида маълум бўлади. Бу кенг жамоатчилиққа тақдим қилинади.

Акси бўлса, яна бошқа вариантлар кўрилади. Иккинчи томондан, амалдаги 55 ва 60 ёшда қолмаймиз. Мазкур қоида 1956 йилда ўрнатилган ва бугунги замон талабларига жавоб бермайди.

Остонада қолган бахт

Яқинда она бўлар эканман. Бу хабарни эшитиб бир муддат тошдек қотиб қолдим. На хурсанд бўлишни, на хафа бўлишни биламан. Юрагимни эзаётган кучли оғриқлар аламини бироз унутай, деб анҳор бўйлаб ўзим ҳам билмайдиган манзил томон одимлаб борар эканман, барча бўлиб ўтган воқеалар кўз ўнгимда кино тасмасидек гавдалана бошлади. Хатоларим эса худди ой юзидаги доғ каби ажралиб турарди...

Менинг ҳам барча қизлар каби орзу-умидларим бир жаҳон эди. Бир хонадоннинг суюкли келини, бир инсоннинг сеvimли рафикаси бўлишни истардим. Лекин бу йўл осон эмаслиги, кийинчиликлар бўлиши, уларни энгиб ўтишда сабр ва бардош кераклиги хақида сира ўйлаб кўрмаган эканман. Ёшим йигирмадан ошиб, қўшни маҳалланинг намунали хонадонларидан бирига келин бўлдим. Турмуш ўртоғим ўқиган, ҳамма нарсани тушунадиган инсон эди. Оиланинг ёлғиз келини бўлганим учун қайнота-қайнонам еру кўкка ишонишмасди. Мен ўзим орзу қилган бахтга эришдим, деб ўйлагандим. Эрталаб уйғонсам, қайнонам мендан аввал туриб нонушта тайёрлаб қўярди. Кун бўйи қиладиган ишим овқат пишириш, уй тозалаш эди, холос. Аммо ҳаёт бир текис давом этмас экан. Келин бўлиб тушганимдан уч ойлар ўтиб қайнопамнинг турмуш ўртоғи оғир хасталикдан вафот этди. Шундан кейин улар икки боласи билан бизникида яшай бошлади. Аввал раҳим келиб ҳаммасига чидадим, ғашим келса ҳам ичимга ютишга ҳаракат қилдим. Бора-бора сабр косам тўлди. Болаларининг уйлари тўзатиши, эримнинг уларга тинимсиз совға-салом кўтариб

келишидан асабим бузилар, жаҳимни зарда билан кўрсатиб бироз энгил тортардим. Қайнопамнинг ҳадеб ишимга аралашверишини-ку айтмаса ҳам бўлади. Бир хўп дедим, икки хўп дедим, бўлмади. Тез-тез гап қайтарадиган, жеркиб ташлайдиган бўлдим. Энди билсам, ўшанда опам билмаганларимни ўргатишга ҳаракат қилган экан. Майли, мен гўрлик қилибман, аммо нега ойим йўл кўрсатмади, деган савол ичимни тирнай бошлади. Ойимга кунда-кунора кўнгирок қилиб, бўлиб ўтган воқеаларни гапириб берардим. Улар ҳам тўғри қилибсан, индамай ўтирсанг бошингга чиқиб олишади, деб мени қўлларди. Агар ўшанда хато қилаётганимни айтиб, йўлга солганда, ҳозир фарзандимни отасиз қандай воёга етказаман, деган ўй мени кийнамаётган бўлармиди. Бу аламнинг олдида бошқа ташвишлар бир зумда ахамиятини йўқотди гўё. Эҳтимол, ўшанда оғиррок бўлганимда, ҳозир ширингина оилам даврасида бу қувончли хабарни нишонлаётган бўлармидик.

Ўша кун ховли супураётгандим, қайнопамнинг кичик ўғли ортимдан қоғоз йиртиб, тўзитаётганини кўриб қолдим. Асабларим таранглигиданми, ўзимни тўхтатиб туролмай, «ой



етимча, бу нима қилганинг», деб юзига тарсаки туширдим. Айни шу маҳал турмуш ўртоғим ҳам ишдан келиб қолди. Нима бўлаётганини тушунмай, бир болага, бир менга қарарди. Орадан бир дақика ҳам ўтмай, юзимга урилган тарсаки зарбидан нафасим бўғзимга тикилиб қолди. Қутилмаган бу ҳолатдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Нима қиларимни билмай, дарвозадан кўчага отилиб чиқдим. Ортимдан ҳеч ким эргашмади. Қандайдир куч мени уйимгача етаклаб келди. Бир ахволда, сочларим тўзиб уйга кириб борганимни кўрган онам дод-вой солиб бағрига босди. Қани энди ўшанда қойиб,

ортимга қайтариб юборганда. Лекин менга ғамхўрлик қилди, боламга яхши бўлсин, деб хато қилаётганини англамади. Орадан бир кун ўтиб, мени олиб кетишга келган қайнопамнинг олдида йўлатмади ҳам. «Мен кизимни қалтаклашингиз учун узатганим йўқ. Бемалол ўғлингизни бошқасига уйлантириб қўяверинг», деб устидан бир челақ сув қуйгандек қилиб чиқариб юборди.

Мен ҳам турмушнинг бунчалар нозик эканини англаб етмай, ота уйимда эркалимни қилиб яшаб юравердим. Дадам ҳам биттагина кизи бўлганим учун кимнингдир қўл кўтаришини сива кўтара

олмади. Майли, ота-онам болам деб мени авайлаган экан, нега ўшанда ўзим аввал қўл кўтарганимни тан олиб улардан узр сўрамадим. Энди нима қиламан? Қайнопамнинг ўғлига «етимча», деб қўл кўтариб, ўзимнинг фарзандимни тирик етим қилиб қўйган бўлсам-а? Йўқ, мен бахтимдан воз кечмаслигим керак. Кўзим очилди, кеч бўлса ҳам кўзим очилди. Ҳаёлимга келган бу фикрлардан танамга куч йўрғалаб, мени тезроқ қадам ташлашга ундади. Худди бир жойга шошаётган кишидек, уй томон йўл олдим. Олисдан эшигимиз олдида турган юк машинаси эътиборимни тортиди. Юрагимга гулғула ўрмалади. Ўйлаганим хато қилишини шунчалар истардимки, аммо...

Юк машина тўла менинг келилик сарполарим экан. Турмуш ўртоғим мендан кечибли. Опасининг дилини оғритганимни, жиянини «етимча» деб ҳақоратлаганимни сира унута олмайман эмиш. Хайронман, ўзимни баланд жарликдан қулагандек чилпарчин сездим. Қанийди, ҳаммаси туш бўлса, юзимни ювиб ташлаб, яна ўша бахтли ҳаётимда яшашни давом эттирсам. Аммо назаримда, анча кеч бўлди. Совиган кўнгиллар энди исимайди. Энг алам қиладигани эса бу қайғулар фақат бир менга эмас бағримдаги боламга ҳам азоб бериши. Уни дунёга келмасидан аввалрок ташвишга солдим, бахтидан мусово қилдим...

Нодиранинг кечинмаларини
Шаҳноза ШОЖАЛИЛОВА
оқча кўчирди.

Реклама



**ҚИЛИЧБОЗЛИК
БЕЛЛАШУВЛАРИГА
МАРҲАМАТ!**

2019 йил 15-17 февраль кунлари Тошкентда Марказий Осиё қиличбозлик Конфедерациясининг ўсмирлар ва кадетлар ўртасида I очик чемпионати бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан қиличбозлик спортга қизиқувчи барча ҳамюртларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини энг жозибали ва интеллектуал спорт турларидан бирининг мусобақаларига таклиф этамиз! Беллашувлар 15 февраль куни соат 10:00да Тошкентдаги Гимнастика спорт саройида старт олади.



I OPEN CENTRAL ASIA FENCING
CONFEDERATION CHAMPIONSHIP,
JUNIORS & CADETS
FEBRUARY 15-17, 2019, TASHKENT

Спорт мажмуаси жойлашган
манзил: Юнусобод тумани
Корхोजиота кўчаси, 2А уй.

Сени Ватан кутади

Ҳар бир ёш ўзининг Ватан келажагига дахлдорлигини англаб етса, ҳаёти янада мазмунли кечади. Шу мазмун барча хатта-ҳаракатларида уни доимо олдинга қорлаб туради.

Шу кунларда умумтаълим мактабларида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга қаратилган «Мен шу азиз Ватан фарзандиман!» шиори остида маърифий талбирлар ўтказилмоқда. Бу талбирлар ёшларни қатта ҳаёт сахнасига олиб чиқиб, ўзи танлаган соҳада Ватан учун фидойилик билан хизмат қилишга босқичма-босқич етаклаб боради.

Мен пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 285-умумтаълим мактабидagi ёшларни кузатарканман, бундай тарғибот талбирлари улар ҳаётида чуқур из қолдираётганининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, «Ватан остонадан бошланади», «Мардлар кўриқлайди Ватанини», битирувчи синфларда «Қайси касб эгаси бўлмоқчиман?» каби мавзуларда очик дарслар, «Ўзбекистон — улар ўзгаришлар диёри» мавзусида ўтказилган иншолар танловида ўз фикрига эга ёшлар қатнашгани кишини хурсанд қилади.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини синдириш мақсадида ҳарбий хизматчиларнинг ўқувчи-ёшлар билан учрашувлари ташкил этилди. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган сахна кўринишлари орқали ўз иқтидорларини намойиш этишди. Мазкур талбирларда ота-оналар, маҳалла фаолларининг ҳам кенг иштироки таъминлангани таълим-тарбияга доир ишлар самарадорлигини ошириш ва фаоллаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Адиба ЮСУПОВА,
Ёшлар иттифоқи фаоли

Эътиборсизликдан ўт чиқар

ёхуд уч-тўрт сўм фойда қиламан деб...



Маълумки, автомашина газ-баллонига тўлдириладиган атмосфера босими миқдори икки юз кўрсаткичдан ошмаслиги лозим. Лекин айрим газ қуйиш шохобчаларида машина газ-баллонига ўйламай-нетмай икки юз эллик атмосфера бериш ҳолатлари ҳам учраб туради. Операторга ёнилғи пули тўланса бўлди, қолгани билан унинг сариқ чақалик иши йўқ. Меъёрдан ортиқ атмосфера эса портлашга сабаб бўлади.

Сезган бўлсангиз керак, ҳозир гап автотранспорт воситаларининг ишлашни таъминлаётган газ-баллонни ҳақида борапти. Тўғри, мазкур ёнилғи бензинга нисбатан хийлагина арзон. Аммо барибир уни хавф-хатардан муносиб химояланган деб бўлмайди. Кейинги вақтларда мамлакатимизда газ билан ишлайдиган автотранспорт воситалари иштирокида ўнлаб нохуш ҳолатлар содир бўлди, одамлар вафот этди. Аммо негадир ёнилғи қуйиш шохобчаларидаги ёнилғи сифати яхшиланиш ўрнига тобора ёмонлашмоқда.

Меъёрдан ортиқ

Аслида машинанинг газ-баллонига сиғадиган газ ёнилғиси миқдори икки юз атмосфера бўлсагина, у меъёр даражасида деб ҳисобланади. Лекин бу миқдор баъзида икки юз эллик атмосферага етиши кўп кузатилади. Натияжада газ-баллонга меъёрдан анча ортиқча атмосфера сиғдирилганда портлашга олиб келиши мумкин.

Сўнгги ўн беш кун ичида Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат қорхонаси тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда биргина Тошкент шаҳридаги автомобилларни газ билан ишлаш ҳолатини атрофлича ўрганди. Натияжада ўттиз мингдан ортиқ машинанинг газ-баллонни талаб ва меъёрларга жавоб

бермаслиги аён бўлди. Энди ўзингиз бир ўйланг, носозлик кузатишган автомашинада юришининг ўзи ҳайдовчи учун хавфли эмасми? Умуман, газ-баллонда учрайдиган бундай ҳолатларга жавоб берадиган ташкилотнинг ўзи борми? Агар бўлса, нега вазиятни яхшилашга, олдини олишга ҳаракат қилмайди?

Ечим борми?

Афсуски, бу сингари адоқсиз саволлар кўпчиликини ўйлантирмоқда.

— Ҳа, бунинг оқилона ечими бор. «Ўзстандарт» агентлиги Жанубий Корейнинг нуфузли бир компанияси билан автотранспорт воситалари, шу жумладан, газ-баллон ускуналарини техник кўриқдан ўтказиш бўйича лабораториялар тармоғини яратиш учун қўшма қорхона ташкил этиш юзасидан келишув имзолади, — дейди Республика синов ва сертификатлаштириш маркази давлат қорхонаси директори Оқилбек МУСТАФОЕВ. — Лойихага, асосан, олтимиш миллион доллар ҳисобига ҳудудларда ўн бешта лаборатория ташкил этиши белгиланди. Лойиха 2021 йилга қадар амалга оширилади. Шунда газ-баллон ускуналари билан боғлиқ муаммолар бартараф этилади, содир бўлаётган хавф-хатарнинг олди

олинади. Бундан ташқари, етти юз миллион сўмдан ортиқ миқдордаги сифатсиз маҳсулотларнинг мамлакатимизга кириб келинишига чек қўйилди. Ушбу соҳада ҳам Жанубий Корея давлати тажрибасини мамлакатимизда қўллаш фурсати аллақачон етиб келди. Уларда газ ёрдамида ҳаракатланадиган автоуловга қўйилган талаб жуда кучли. Дейлик, машинада газ билан боғлиқ бирор носозлик аниқлангудек бўлса, дарҳол унинг эгасига маълум муддат бериб, огоҳлантирилади. Агар ўша муддат ичида носозлик бартараф этилмаса, машинани бошқариш умуман таъқиқланади. Бундай тажриба амал қилгач, газ ёнилғиси билан боғлиқ бирорта ҳолат ҳам содир этилмади.

Назорат

Газ шохобчасидаги ҳисоблагичга бир йилда бир мартаба мувофиқлик сертификати берилди. Бу иш ўша жойдаги синов ва сертификатлаштириш маркази давлат қорхонаси ходимлари томонидан амалга оширилади. Тўғри, яқин-яқинга қадар ходимлар томонидан бу ишга панжа орасидан қараб келинарди. Яқиндагина ана шунга ўхшаш камчиликка йўл қўйган икки нафар марказ раҳбари ҳамда ўн икки нафар мутахассис вазифасидан озод этилди.

Очиғини айтганда, ҳайдовчини газ қуйиш шохобчаларидаги нархнинг бир-бирига мувофиқ эмаслиги ҳайрон қолдирди. Қолаверса, барча шохобчада газ-баллонига етарли атмосферада газ қуйлавермайди. Учинчи муаммо — ҳар сафар ҳам машинанинг бирор жойидан газ сизиб чиқаётганини аниқ билишнинг имкони йўқ. Нохуш ҳолатларнинг рўй беришига ҳайдовчининг кўп ҳолларда газ сизиб чиқаётганини билмаслиги ва ўз вақтида техник назоратдан ўтказмаслиги, шунингдек, талабга жавоб бермайдиган газ-баллонларидан фойдаланиши сабаб бўлмоқда. Бу каби муаммолар тезда бартараф этилиши зарур. Шунда газ-баллонни портлаши билан боғлиқ ҳолатга узил-кесил чек қўйилиши мумкин.

Ўлғубек ЖУМАЕВ

БИР САВОЛ Ҳисоблагич қачон ўрнатилади

— Хонадонларда газ ҳисобини юритиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига ўтказиш ишлари мана бир неча йилдириқ, чўзилиб кетмоқда. Умуман, бу лойиҳани амалга ошириш муддати белгиланганими?

— Президентимизнинг 2017 йил 13 ноябрдаги «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 3-бандига мувофиқ, «Ўзтрансгаз» АЖ табиий газни ҳисобга олиш ускуналарини харид қилиш мақсадига «Тош-электроаппарат» МЧЖ ХК билан мазкур лойиҳа доирасида 2018 йил 25 май куни Меморандум имзолаган эди. Ушбу ҳужжатга асосан, «Тошэлектроаппарат» МЧЖ ХКнинг 200 дона замонавий электрон табиий газ ҳисоблагичи Тошкент вилояти Қибрай туманининг У.Осупов маҳалласига пилот лойиҳа сифатида ўрнатилади. Ҳозир ушбу замонавий газ ҳисоблагичлардан олинган маълумотларга таяниб, таҳлил натижалари ўрганилмоқда. Пилот лойиҳаси қўйилган натижалари бериб, молиялаш ишлари ҳал бўлса, «Ўзтрансгаз» АЖнинг «Тошэлектроаппарат» МЧЖ ХКдан 40 минг дона газ ўлчаш қурилмасини сотиб олиш бўйича шартнома имзолаши мўлжалланмоқда.

Республикаимизнинг табиий газ истеъмолчиларига замонавий электрон газ ҳисоблагичларини (жиҳозлари билан бирга) ўрнатиш уч босқичли жадал асосида амалга оширилади.

«Ўзтрансгаз» АЖ
маълумотлари асосида
тайёрланди.

Пакет нега пулли?

Ундан воз кечиш вақти етмадими?



Шу пайтгача бирон маҳсулот харид қилганимизда текинга бериладиган пакетлар учун эндиликда хариддордан пул ундириладиган бўлди. Бунинг сабаби нимада?

— Бу масалага мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳудудларнинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш миксиди

кенгроқ ёндашиш зарур, — дейди Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош мутахассиси Азиз АЛИМОВ. — Ўзбекистонда 40 микрондан (қалинлиги) кам

бўлмаган полимер плёнкали пакетларни товар нархига қўшиб сотиш, ишлаб чиқариш ва чегарадан олиб киришни тақиқлаш мақсадига Президентимизнинг 2018 йил 18 майдаги «Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Сабаби, бундай пакетлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида атроф-муҳит, инсоният ва ҳайвонот оламига жиддий хавф туғилмоқда.

Бир марталик пластик пакетларнинг табиий чириши қарийб 400 йилни ташкил этади.

Юқоридаги қарор айни шу мақсадда, яъни ресурслар ва экологик мусаффоликни сақлашда фуқароларда масъулият ҳиссини уйғотиш маъносида қабул қилинган.

Бугунги кунда фойдаланишга яроқсиз пакетлар чикинди қутисига

эмас, балки атроф-муҳитга ташланаётгани оддий ҳолга айланди. Бундай янгли ҳолатнинг олдини олишнинг ягона йўли қайта ишлашдир. Афсуски, 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакетларни қайта ишлаш кўп меҳнат ва маблағ талаб этади.

— 40 микрондан кам бўлган полимер плёнкали пакет истеъмолдан чиққандан сўнг, уларнинг ўрнини нима эгаллайди?

— Полимер плёнкали пакет учун нарх белгилаб, уни атроф-муҳитга тарқалишининг олдини олиш бўйича қилинаётган ишлар бу биринчи қадамлардан бири. Плёнкали пакетлар секин-аста истеъмолдан чиққач, бўз пакет, биопакет ва 40 микрондан юқори бўлган полимер плёнкали пакетлар истеъмолда кенг фойдаланиш тавсия этилади. Бу пакетлар қандай қулайликларга эга, деган савол туғилиши мумкин. Бўз материалдан тикилган

пакетдан йил давомида фойдаланса бўлади. Биопакет турли табиий ҳомашёлардан ишлаб чиқарилган бўлиб, у оддий пластик пакетлардан қолишмайди. Шунингдек, у 30-70 кун ичида табиий чириши натижа-сида йўқ бўлиш хусусиятига эга ва экологияга бузилишига олиб келмайди. 40 микрондан юқори бўлган пакетлар ишлаб чиқарилишининг сабаби, у оддий пакетга қараганда бақувват ва уни қайта ишлаб чиқариш имкони мавжуд.

— Полимер плёнкали пакетларга нарх белгилашда жаҳон тажрибаси қандай?

— Пакетларга ҳақ олиш нафақат бизда, балки дунёда ҳам йўлга қўйилган. Дунёнинг кўп-лаб давлатларида эса бир марталик пластик пакет ва идишлардан аллақачон воз кечилган.

Бекзод НАСИМБОВ
ёзиб олди.



Алишон
Капакликка

Қора шим

(Бўлган воқеа)

Болалигимизда бор-йўк, йўқлар кўп эди. Нима истасак «йўк», дейиларди. Ота-онамиз қийинчилик даврларда қатта бўлишган. Бизлар ҳам уларнинг кўрган қийинчиликлари таъсир этадиган даврга тўғри келдик (мен ўзим 1962 йили туғилганман). Нима истасак «йўк», нима хоҳласак «йўк». Масалан, «шим олиб беринг», десам, «йўк» дейишади, «ўйинчоқ олиб беринг», дейман, «ўзинг яса». Мен ўйинчоқларимни лойдан ясаганман. Баъзан отамнинг чўнтақларини кесиби, ичига юнг солиб тўп қилиб ўйнардим. Синглим кўғирчоқларини ўзи тикарди. Шунинг учун оддий нарсанинг қадрини ҳам жуда яхши биламиз.

Бир куни дадам, «сизларга янги шим олиб келаман», дедилар. Биз жуда хурсанд эдик. «Йўк»ларга ўрганган қулоқларимизга жуда ёқимли эшитилди бу. Уч ака-сингил кишлоқ ташқарисига чиқдик. Қўлларимизни иягимизга қўйиб хаёл сура бошладик: «Хокимнинг ўғлига ўхшаб бизлар ҳам янги шим киямиз...»

Мен учинчи синфга борардим. Синглим биринчи синф, укам Рафет олти ёшда. Бизлар

у пайтда гулли иштонлар кияр эдик.

Укам менга:

— Шимингизни қайси рангда бўлишини хоҳлайсиз, акажон, — деди.

Жуда содда бўлганмиз, бутун кишлокда электр, телевизор йўк, дунёдан беҳабар эдик.

— Қора рангли бўлсин, — дедим.

— Қанийди меники кўк бўлса...

— Шаҳар оёк кийимини ҳам сотиб оладиларми, — деб яна сўради.

Мен «йўк», дедим.

— Қора резинка калиш борку, ўшандан олиб келадилар.

Ўша пайтда узокдан автобус кўринди. Орқасидан чанг тўзитиб келяпти. Бор умидимиз шу, узок кутганимиз — шим келяпти. Дадам пакетларни очдилар. Менга қора шим, оқ ёқалик қора кийим ва қора калиш. Синглимга ҳам худди шу кийимлар. Лекин ҳавас билан кутган, бизларга савол бериб ҳаяжонлантирган Рафет укам хайрон. Пакетларни роса тигди, ўзиникини топа олмагандан кейин дадамга қараб, умид билан «менга йўқми?» деди.

— Сенга кейинги сафар албатта олиб келаман, — дедилар.

Отам бизларни яхши кўрарди, лекин муҳаббатини кўрсатолмасди. Бизларни қучоқламасди, бағрига босолмасди. Эй дўстлар, яқинларингизга муҳаббатингизни кўрсатинг, севганингизни билдиринг.

— Лекин мен роса қутаётган эдим, — деди укам ва йиғлаб бошқа хонага кириб кетди. Дадамнинг кўзлари ёшангирди. Кечки овқат дастурхонида ҳаммамиз жим ўтирибмиз. Факатгина укамнинг йиғисираган овози эшитиларди, хўрсиниб хўрсиниб кўяр эди.

Мен эрталаб мактабга кетдим. Келганимда укам менга қараб:

— Акажон, сизга қора шим роса ярашибди, мен ҳам бир кийиб кўрсам бўладими?

— Йўк, кир қилиб қўясан, — дедим. Иккинчи кун ҳам роса ялинди, бермадим. Учинчи кун ҳам бермадим. Мен уларни

ётоғим ёнига қўйиб асрар эдим. Роса хоҳлаб зўрга эришганман ахир.

Тўртинчи кун ҳам олдимга келиб:

— Акажон, бу янги шим сизни жуда чиройли қилиб турибди, оёк кийимингиз ҳам ярашибди, менга ҳам ярашса керак-а, — деди.

Бермаслик учун бахона қила бошладим, — сенга тўғри келмайди, узун бу.

— Пойчасини шимариб қияман, — деди.

— Йўк, кир қилиб қўясан, — десам:

— Гилам устидан қияман, — деб жавоб қайтарди. — Илтимос, беш дақиқа холос...

— Бўпти эртага жума куни мактабдан келиб бераман, факат беш дақиқага, кир қилмайсан, бирон нарса бўлса, ёмон қиламан, — дедим. Кечкурун бирга ётибмиз, укам секингина мени туртиб:

— Сўзингиздан қайтиб қолмайсиз-а, ҳақиқатда берасиз-а, — дея кўзларида қувонч билан сўраб эди.

— Ха бераман, — дедим.

— Мен эрталабгача ухламайман, тезроқ тонг отсин, тезроқ шимни кияй, — деди.

Эрталаб мактабга кетиш учун турганимда укам ҳам турди.

— Акажон, бутун вақтироқ келинг, хўпми, мен сизни шу эшик олдида кутаман, — деди.

Мактабга кетяпман, орқага қарасам, укам ховли эшиги олдида турибди...

Учинчи дарса синфимиз эшиги очилди, директоримиз кириб келди. Ўқитувчимиз қулоғига бир нарса деди ва менга қараб, «Алишон, болам, уйингга боракол, отанг сени қутаяпти», деди. Хаёлимга келган биринчи нарса, укам отамга айтириб мени қақиртиряпти, тезроқ шимни киймоқчи, деб ўйладим. Мактабдан чиқдим, қарасам, кишлоқдагилар ҳам бизникига қараб кетишяпти. Мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, тўққиз ёшдаман. Дарров эшик теварағига қаралдим, укам қутиб туриши керак эди, лекин йўк. Ховлига кирдим, бутун кишлоқ бизникида. Онам дод, деб бақиряпти-

лар... «Рафетимни беринг менга, болажоним, кўзичоғим...»

Чол амаки янги олган трактори билан эшигимиз олдида ўтади, болачани кўрмайди, укам трактор тағида жон берган эди...

Мен укажонимга шимимни қийдирмоқчи бўлган куним... укам...

Отам муҳаббатни кўрмагани учун, у муҳаббатни бизларга ҳам беришни билмади. Бизларни яхши кўрарди, лекин муҳаббатини кўрсатолмасди. Бизларни қучоқламасди, бағрига босолмасди. Эй дўстлар, муҳаббатингизни кўрсатинг, севганингизни билдиринг. Ўша кунни укам ювилганидан кейин қафандиди, дадам илк мартаба, мен оламан дедилар ва укамни бағирларига босдилар. Фарёд қилиб: «Рафет, мен сени мазорга эмас, бозорга обориб, шим олиб бермоқчи эдим, ўғлим... тур ўғлим, илтимос, юр бозорга борамиз...» ва йиғлаб-йиғлаб мазорга кетдилар.

Мен хозир ўйлаяпман, қанийди ҳаётлик пайтида айтсалар эди. Биз у сўзларни эшитиш учун кўп кутдик, лекин эшитмадик. Энди отам укам эшитолмайдиган пайтда бақириб фарёд қилаяптилар.

Хозирги болалар бизларда топа олмаган муҳаббатни қўл телефонларидан қидиряптилар. Нега болалар бошқа нарсаларга талпиняпти. Болаларни ўғрилаш учун хилватларда қутаётган инсонлар ота-онаси кўрсатмаган табассум билан уларни алдаяптилар.

Юртимни, оиламни, болаларимни севаман. Олдин кўпинча банд бўлар эдим, турли йиғилишларга, конференцияларга борардим. Аммо бу йил бормаяпман. Чунки менинг қизим саратон касаллигига чалинган. Энди у даволаняпти, мен эса доим фарзандим олдида бўлишга ҳаракат қилаяпман. Хозир кизим яшаяпти ва шу ҳаётлик пайтида, мен уни роса яхши кўришимни кўзларига қараб очик айтаяпман. Мен кизимни яхши кўраман ва буни яширмаяпман...

Файзуллаҳон ОТАХОНОВ
таржумаси
Манба: Azon.uz

Ахлоқ мажмуаси

Ўтмишда ўтган адибларнинг аксари бадиий асарлар билан бирга ахлоққа доир рисоалар ҳам битган. Агар зийраклик билан қузатсак, ўтмиш адабиётимизнинг асосини одоб масалалари банд этган, бадиий асар қайси тарзда, қайси йўналишда ёзилмасин, одамларни тарбия қилишга, яъни яхшилик сари бошлаб, ёмонликдан қайтаришга хизмат этиши шарт, дея қаралган.


Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малик қаламига мансуб «Одамийлик мулки» китоби бугунги кунимизда ўтмиш аждодларимизнинг ана шу эзгу анъаналарини узвий давомиде, десак, муболага бўлмайди.

Маънавият ва тарбия масалаларига бағишланган «Одамийлик мулки» китобининг ҳаёт билан ҳамоханлиги жуда теран

мазмун-моҳиятни ифодалайди. Масалан: биринчи фасл «Ишк» деб номланган бўлиб, «Ё саодат, ё фалокат», «Бемехр қариндошдан меҳр билган ёт яхши», «Жамиятнинг дуру гавҳари», «Энг яхши дўст» каби мавзуларни ўз ичига камраб олган.

«Бемехр қариндошдан меҳр билган ёт яхши» мавзусида ҳаётимизда, кўз ўнгимизда бўлаётган ака-укаларнинг жоҳролари, бир қоринга сиққан ака-укалар энди бир ховли жойга сизмай қолиши, ота-онанинг ўлимидан сўнг хоҳ опа-сингиллар, хоҳ ака-укалар ўртасида бўлаётган мерос талашш, хозирги кунда жамиятимизга, қолаверса, вафот этган ота-оналарнинг руҳига нечоғли азоб бераётганини тушунтиришга урингани эътиборга лойиқдир.

Китобдаги ҳар бир фаслнинг



ўз ичига олган мавзулар қўламадан турли ривоятлар, ҳикоялар жой олган бўлиб, ота-она, фарзанд, ака-ука, дўст, мураббий, қайнота-қайнона, келин, қози, шоғирд, донишманд, савдогар каби образлар асосий қаҳрамонларга айланган. Қуръони карим оятлари ва ҳадислари,

Навоийнинг хикматли сўзлари, ғазаллари, Амир Темур тузуқлари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадгу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома», Ахмад Ясавийнинг хикматлари ва шу каби алломаларимизнинг ўғитларидан фойдаланилган.

Бу китобнинг асосий ғояси биз ўз-ўзимизни, хусусан, кўнглимизни идора қила билмоғимизга ундашдир.

Китобларнинг энг улуғи ҳамда доноларнинг битикларини ўқиб юривчи, тушуниб, тўғри англовчи ва ўқиганларига амал қилувчи киши ҳеч қачон адашмаслигини бугунги кун ўқувчисига яна бир бор синдиришдир. Илоҳий гўзалликка, бахтга, одамийлик мулкига, инсоний фазилатларга эришмоқ, риё, қибру

ҳасаддан ва барча қусурлардан фориғ бўлмоққа зоҳирий ва ботиний илм билан китобхонни тайёрлаш ҳам китобнинг бош ғояларидан бири. Қалб ва кўнгли кўзларини очик маънавий, руҳий оламнинг турли-туман гўзал хис-туйғуларининг соҳибларидан бирига айлантириш, кишиларни ички олами нурга тўлган, иймон зиёси билан мунаввар бўлган эътиқодли, шафқатли, марҳаматли, гўзал ахлоқли, илмий китобхонга айлантириш, назаримда, мана шу каби китоблар мутлоаси билан юзага келади. Шунингдек, бу китоб оила, жамият, дўст, севиқли ёр, фарзанд деб аталмиш улуғ неъматларнинг туб илдинини тушунтириш ва қадрига етишга ундовчи ахлоқ китобидир.

Лазиза ЙЎЛЧИЕВА

ВОҚЕА

Калтак — мукофот

Бир киши Мехржон байрами кунин султоннинг хузурига кирди. Уни мактаб, кайфиятини кўтариб, эвазига ўзи ҳам бир нарсали бўлишни кўзлади. Шундай бир хурсандчилик кунда султон билан юзма-юз бўлиш қувонч устига қувонч улашади, деган гапни шеър қилиб, султонга етказмоқчи бўлди ва ва ушбу байтни ўқиди:

Демагил бир хушхабар, бу қўйхабар,

Мехржону Доийга солмоқ назар.

Султоннинг исми Доий эди. У шоирнинг мақсадини «Мехржон кунига етиб келганимиз бир хабар, султонга юзма-юз бўлиш эса яна бир хабар. Лекин буни хушхабар деб бўлмайди», кабилида тушунди. Сўнг дарғазаб бўлиб, шоирни эллик дарра уришни буюрди. «Қандай сўзлашни билмагани учун эсини киритиб қўйганимиз унинг учун биздан мукофот бўлсин», деди ҳукмдор.

Аллома Абдурахмон Қазвиний бу воқеани ўзининг «Изох» китобида гапни қандай бошлаш кераклиги ҳақидаги бобда келтирган. Юқоридаги воқеада шоирнинг мақсади яхши бўлса ҳам мақсадни ифода этишда нўноклик қилиш оқибатида ўзи қутмаган мусибатга гирифтор бўлди. Мукофот ўрнига жазога тортилди.

Инсоннинг оғзидан чиқадиган ҳар бир сўз тингловчига катта хурсандчилик олиб келиши ёки унинг нафсониятига тегиб, дарғазаб қилиши мумкин экан. Айтилган сўз — отилган ўқ. У кимнидир ўлдирishi ёки тирилтирishi ҳам эҳтимол. Бу сўзловчининг билими, идрокки, маҳорати ва фаросатига боғлиқ.



ЖАВОҲИР



Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ
шоири

Қуёш қизаришлари

Нечун қуёш бир қизариб оладир,
Тонгда — ерга тушганида кезиши?
Балки уни бу қўйларга соладир
Тунда қилган баъзи гуноҳли иши...

Нечун қуёш бир қизариб оладир
Кечқурунда оловланиб ёноқлар?
Энди уни бу қўйларга соладир
Бизнинг куппа-кундуздаги гуноҳлар.

ДИҚҚАТ, САВОЛ!

Бу қандай
ҳолат?

Мисрда автомобиль билан боғлиқ шундай бир ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳайдовчи машинадан тушар экан, баъзан ойна артгичнинг биттасини кўтариб қўяди. Негадир бундай ҳолат автотурагоҳлардаги машиналарда учрамайди. Уни издиҳомларда кўпроқ учратиш мумкин.

САВОЛ: бу қандай маънони аниқлатади? Машина эгаси бу билан нима демокчи?

Жавоблар келгуси ҳафта-нинг сешанба кунини соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил:
info@od-press.uz
Телефон: 0 (371) 234-91-82
Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетанинг 4 (350)-сонидан эълон қилинган саволнинг жавоби: Григориан тақвимида ўн иккинчи ой декабрь деб юритилади. Аслида бу сўз ўнинчи ойни ифода этади. Чунки унинг таркибидаги «де» — ўн деганидир.

Саволга Улуғбек БОЗОРОВ, Собир БОБУРОВ, Гуласал ЛАТИПОВА, Нафиса ШОМУРОДОВА, Нодир ДЎСАНОВ тўғри жавоб йўллади.

«Оила даврасида» газетаси тахририяти жамоаси газета муҳбири Улуғбек Жумаевга падари бузруквори

Ақтам ота ЖУМАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАБАССУМ 😊😊😊

«Кампирингиз
нима туғди?»

Туғуруқхонада ётган келинимизнинг ҳолидан хабар олгани вилоят шифохонасига йўл олди. Туғуруқхона дарвозаси олдида турган эшикбон машина билан ичкарига киришимизга рўйхушлик бермай сўрокка тутди:

— Қаерга кетяпсизлар?

Кўкқисдан берилган бундай саволга жавобан:

— Мана бу кампиримни туғуруқхонага олиб келяпман, — дедим орқа ўриндикда ўтирган хотинга ишора қилиб.

— Иби, момой-ку?..

— деганча хайрон бўлиб менга қаради.

— Нима, момойлар туғмайдим, — дедим кўзига тик қараганча.

Нима дейшини билмай қолган эшик-

бон равотни ланг очди. Машинамни хайдаганча туғуруқхона бўлими ёнида тўхтатдим ва бир ҳафтадан буён касалхонада ётган келинимизнинг ҳолидан хабар олдим.

Орадан бироз ўтгач, йўлим яна касалхонага тушди ва яна ўша эшикбонга дуч келдим. У эслаб қолган экан шекилли, менга кўзи тушиши билан:

— Отахон, кампирингиз нима туғди? — деб сўради.

— Олтига неварга кўрди.

Эшикбон шўрлик чиндан ҳам содда экан, ортимдан анграйганча сўраб қолди:

— Бирдан-а!

— Йўғ-а, бирин-кетин!

— Иби-и-ии...

Ёркул УМАРОВ

Эълон!

Фукаро Толипов Жўрабой Фозидовичга тегишли Тошкент шаҳар Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 37-уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ҲИҚМАТ

Аёлларда гўзал бўлишнинг биргина,
лекин жозибадор бўлишнинг эса юз
минг имконияти бор.

МОНТЕСКЬЕ

ПАЗАНДАЛИК

Парҳезбон
рулет

Товук гўшти ва димланган сабзавотлар солиб тайёрланиладиган рулет жуда майин ва лаззатли бўлиб, парҳез тутувчилар учун ҳам фойдали егулик ҳисобланади.

Керакли масалликлар: товук гўшти, қарам, пиёз, сабзи, пишлоқ, туз ва зирворлар. Рулетнинг ҳажми ва неча кишига мўлжалланишига қараб, масалликлар миқдорини белгилаш мумкин.

Тайёрланиши: газ печини 180 даражада ёқиб қўямиз. Товук гўштини блендер ёки гўштқиймалагичдан чиқариб оламиз. Қарамни юпка сомонча шаклда, пиёзни тўртга бўлиб, юпка тўғраб оламиз. Сабзини киргичнинг катта тишидан чиқарамиз. Барча сабзавотларни товага солиб, бироз ковуриб оламиз, сўнг ярим стакан сув солиб, юмшагунича димлаб пиширамиз. Туз ва товукка мўлжалланган зирворлардан сепамиз. Ёқиб қора мурч ва қуритилган саримсоқ қуқунидан сепамиз.

Олдиндан тайёрланган бисквитга аввал қийманинг 3/4 қисмини соламиз, ўртасига димланган сабзавотлар ва устидан қолган қиймани ҳам солиб, устини текислаб чиқамиз. Ва рулет шаклига келтирамиз.

Хошишга қараб, устидан пишлокни киргичдан чиқариб сепамиз. 180 даражада қиздирилган печда 30-40 дақиқа давомда пишириб оламиз.



OILA
DAVRASIDA
Mashkan oila — yurt tayanchi
Йўлмоё-йўлмоё, ма'нави-ма'рифий газета

«Оила даврасида» газетаси тахририяти масъулияти қачланган жамияти

Бош муҳаррир
Хуснидин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Маждидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммадҷон Қуроно

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темура 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Набатчи — Ш. Раҳмоқужаев

Саҳифаловчи — И. Болтаев

Буғуртма: г-237 ISSN 2181-6190 Објана индекси — 193

Аълди: 3015 нуска. Нархи: келишув асосида.

Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 19:00

